**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI**
**OLIY VA O'RTA MAXSUS**
**TA'LIM VAZIRLIGI**

**MINISTRY OF HIGHER AND**
**SECONDARY SPECIALIZED**
**EDUCATION OF THE**
**REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

100095, Toshkent sh., Olmazor tum., 2-Chimboy ko'ch., 96
Telefon: (998-71) 246-01-95, Faks: (998-71) 246-10-81

100095, Tashkent, Olmazor district, 2-Chimbay street, 96
Phone: (998-71) 246-01-95, Fax: (998-71) 246-10-81

---

1.11.2018 № 87-02-3184

**Олий таълим муассасалари**
**ректорларига**

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов томонидан 2018 йил 24 октябрда "Навоий вилояти Томди туманида ахборот-ресурс маркази биносини қуриш билан боғлиқ чора-тадбирлар тўғрисида" ўтказилган мажлис баёнининг 6-банд 3-хатбошисида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар **ахборот-кутубхона муассасаларини олий маълумотли, малакали мутахассислар билан тўлдириш, кутубхона фондларини янги бадиий, ўқув адабиётлар билан бойитиш,** кутубхоналар биноларини қайта таъмирлаш, **замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий қилган ҳолда жиҳозлаш** бўйича қўшимча чоралар кўриш вазифаси белгиланган.

Ушбу банд ижросини таъминлаш юзасидан 2018/2019 ўқув йили давомида қатъий чоралар кўришингиз ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича **2019 йилнинг 1 май кунига қадар** аниқ маълумот киритишингизни сўраймиз.

Илова: 2 бет.

**Вазирнинг**
**биринчи ўринбосари** **О.Абдурахманов**

Ижрочи: С. Ниязбеков
Тел.: 246-19-28

01-07/1-817
25.10.2018й.

"Тасдиқлайман"
Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири
А. Арипов
2018 йил "25" октябрь

**Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган мажлис**
**БАЁНИ**

2018 йил "24" октябрь — Тошкент шаҳри

**Раислик қилувчи:** А. Арипов – Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

**Иштирок этганлар:** Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари (рўйхат бўйича)

**КУН ТАРТИБИ:**
**Навоий вилояти Томди туманида ахборот-ресурс маркази биносини қуриш билан боғлиқ чора-тадбирлар тўғрисида**
*(Арипов, Тангриев, Абдуазизов, Хурсанов, Султонов, Арипов)*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Навоий вилоятига ташрифи доирасида 2018 йил 2 мартда ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда Навоий вилояти Томди туманида замонавий Ахборот-ресурс маркази биносини қуриш бўйича берилган топшириқни амалга ошириш юзасидан қилинган ишлар ҳақидаги ахборотлар, кун тартибидаги масала юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни атрофлича муҳокама этиб, мажлис **қарор қилади:**

1. Навоий вилояти Томди туманида ахборот-ресурс маркази биносини "Олмалиқ КМК" АЖнинг ҳомийлик маблағлари ҳисобига қуриш ҳамда қурилиш ишларида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Республика ахборот-кутубхона марказини буюртмачи ташкилот этиб белгилаш бўйича Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Л. Тангриевнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги "Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ–5349-сон Фармони асосида Республика ахборот-кутубхона маркази Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тасарруфига ўтказилгани муносабати билан:

Республика ахборот-кутубхона марказининг асосий вазифалари, тузилмаси, ходимлар сони, штатлар жадвали ва ходимларнинг ойлик иш ҳақи миқдори қайта кўриб чиқилиб, йиллик харажатлар сметаси Молия вазирлиги билан келишилиб, тасдиқлангани;



Республика ахборот-кутубхона маркази йиллик харажатлар сметаси Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳузуридаги Ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш жамғармасининг йиллик даромадлар-харажатлар сметасида кўзда тутилган захира лойиҳалар учун режалаштирилган маблағлар доирасида қопланиши ҳақидаги таклифлар маъқуллансин.

3. Республика ахборот-кутубхона маркази Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳузуридаги Ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ахборот-кутубхона муассасалари биноларини лойиҳалаштириш, қуриш-таъмирлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қурилиш-таъмирлаш ишларини марказлашган ҳолда ташкил қилиш ишларига буюртмачи ташкилот сифатида белгилансин.

4. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги **(Тангриев)** ишлаб чиқилган лойиҳа ва смета ҳужжатларини "Олмалиқ КМК" АЖ **(Хурсанов)** билан келишганидан сўнг, Қурилиш вазирлиги **(Тўхтаев)** ушбу ҳужжатлар ўрнатилган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилишини таъминласин.

5. "Олмалиқ КМК" АЖ **(Хурсанов)** Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан тақдим этилган лойиҳа ва смета ҳужжатлари асосида Навоий вилояти, Томди туманида ахборот-ресурс маркази биносини қуриш бўйича лойиҳа, қурилиш ва жиҳозлаш ишлари учун зарур маблағларни буюртмачи ҳисобига ўтказиш юзасидан тегишли чораларни кўрсин.

6. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги **(Тангриев)**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қошидаги ҳудудий Идоралараро кенгашлар, тегишли вазирлик ва идоралар:

**ўн кун муддатда** Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маданият ва санъат муассасалари, маънавий, ижодий ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини ўрганиш натижасида ахборот-кутубхона муассасаларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқсин ҳамда уларнинг бажарилишини назоратга олсин;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона муассасаларини олий маълумотли, малакали мутахассислар билан тўлдириш, кутубхона фондларини янги бадиий, ўқув адабиётлар билан бойитиш, кутубхоналар биноларини қайта таъмирлаш, замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий қилган ҳолда жиҳозлаш бўйича қўшимча чоралар кўрсин;

Хоразм, Бухоро, Самарқанд ва Андижон вилоятлари ахборот-кутубхона марказларининг бинолари капитал ва жорий таъмирга муҳтожлигини инобатга олиб, тегишли лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқсин.

7. Миллий кутубхона **(Абдуазизов)**, Хоразм вилояти ҳудудининг иқлим шароитидан келиб чиқиб, Ахборот-кутубхона маркази биносида иситиш тизимини капитал таъмирлаш, Тошкент вилояти "Турон" ахборот-кутубхона маркази биносини жорий таъмирлаш ишларини Ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш жамғармасининг 2018 йил даромадлар ва харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан амалга оширсин.